

**Истеъмол кредити бериш тўғрисида
кредит шартномаси
(намунавий шакл)**

_____ шаҳри. 20__ йил “__” _____.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг
_____ бўлими/филиали (кейинги ўринларда–Банк) 20__ йил
“__” _____ даги _____-сонли ишончнома асосида иш олиб борувчи ўз вакили –
_____ бўлими/филиали _____
(филиал номи) (Ф.И.Ш)

бир томондан ва _____ да яшовчи (рўйхатга олинган),
(яшаш жойи)
_____ томонидан «__» «__» «_____» йилда берилган паспорти серияси,
номери _____ бўлган, _____ да
(ташкилот номи, манзили ва телефони)
ишловчи, телефони _____ бўлган _____
(Ф.И.Ш)

(кейинги ўринларда – Қарз олувчи) иккинчи томондан ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

1. Шартнома предмети

1.1. Банк Қарз олувчига филиал кредит қўмитасининг «__» «__» «_____» йилдаги
«_____»-сонли қарорига асосан истеъмол эҳтиёжлари учун _____
_____нинг
(кредитлаш объекти тўғрисида маълумотлар – товар, ишлар, хизматлар номи)
пулини тўлаш мақсадида кредит беради.

1.2. Бериладиган кредит суммаси _____.
(сумма рақам ва сўз билан)

Кредит мақсади: _____.
(кредит қандай мақсадда берилаётгани)

Кредит__ ойдан иборат бўлган имтиёзли давр билан _____ муддатга берилади.
(рақам ва сўз билан)

1.3. Кредит бўйича қарз қолдиғига йиллик _____% ҳажмида фоизлар қўшилади.
Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда, ойнинг _____-кунидан кечикмай тўлаб борилади.

1.4. Кредитни ўзлаштириш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб
30 календар кун.

1.5. Кредит бўйича тўловлар аннуитет-тенг миқдордаги ойлик тўловлар билан ёки
асосий қарз тенг улушлар билан сўндириб борилади. Ушбу Шартноманинг иловаси ва
ажралмас қисми бўлган Кредитни сўндириш графигига мувофиқ сўндириш даврийлиги ҳар
ойда _____ санасига амалга оширилади.
(ойига камида бир марта)

1.6. Қарз олувчи томонидан ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар тегишлича
бажарилишини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг
783-моддасига мувофиқ, Банкка кредит қарзларини сўндириш бўйича Қарз олувчининг
Банкдаги ҳар қандай ҳисобварақларидан ҳар қандай валютадаги пул маблағларини чиқариб
олиш борасида ҳеч қандай шарт қўйилмайдиган ва қайтариб олинмайдиган ҳуқуқ/фармойиш
тақдим этади.

2. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

2.1. Банкнинг ҳуқуқлари:

2.1.1. Қарз олувчининг тўлов лаёқатини, кредит таъминоти етарлилигини назорат
қилиш, Қарз олувчидан мажбуриятларни бажариш юзасидан керакли ҳужжатларни сўраб
олиш.

2.1.2. Кредитнинг навбатдаги қисми ўз вақтида сўндирилмаган ҳолларда:

а) кредит (ёки унинг бир қисми) муддати ўтган тўловлар ҳисобварағига киритилган
санадан бошлаб кредит учун ҳақни оширилган фоиз ставкаси бўйича, муддати ўтган қарз
суммасидан йиллик _____% ҳажмида белгилаш;

б) Қарз олувчидан кредитни (кредит бўйича қарз қолдиғини) муддатидан олдин қайтариш ва фоизларни тўлаш юзасидан дарҳол чоралар кўришини талаб қилиш;

в) қонунчиликка мувофиқ, кредит бўйича қарзни сўндириш учун таъминотни сотиш борасидаги ҳар қандай ҳуқуқлардан фойдаланиш.

г) ушбу шартномани белгиланган тартибда бекор қилиш.

2.1.3. Қарз олувчи ушбу Шартнома шартларини қандай бажараётганлигини, жумладан кредитдан мақсадли фойдаланилишини текшириш.

2.2. Қарз олувчининг ҳуқуқлари:

2.2.1. Ҳар ойда кредитни сўндириб бориш ва фоизларни тўлаш учун ишлатиладиган маблағларни Банкда махсус очилган депозит ҳисобварағига олдиндан, асосий қарз ва фоизлар бўйича навбатдаги тўлов муддати келгунича киритиб бориш.

2.2.2. Банк томонидан кредит шартномаси ўзгартирилиши кутиладиган ҳолларда бу ҳақда камида 5 кун олдин ахборот олиш.

2.2.3. Банкни олдиндан ёзма равишда огоҳлантириб ва унинг розилигини олиб, кредитни ўз маблағлари ҳисобидан муддатидан олдин сўндириш. Асосий қарзни сўндиришдан олдин Қарз олувчи шу санагача ҳисоблаб қўшилган фоизларни тўлаши керак.

2.3. Банкнинг мажбуриятлари:

2.3.1. Қарз олувчига _____ ҳажмида кредит бериш.
(сумма рақам ва сўз билан)

2.3.2. _____ кредит ҳисобварағи очиш.

2.3.3. Қарз олувчининг ёзма топшириғига асосан кредит ҳисобварағидан _____

_____нинг _____ банкида очилган
(савдо ташкилотининг номи, савдо ташкилотининг СТИРи) (хизмат кўрсатувчи банк номи, банк коди)

_____ -депозит ҳисобварағига тақдим этилган ҳужжат _____
(ҳисоб варақ рақами) (ҳисоб шартнома)

_____ га асосан тўловларни нақдсиз пул ўтказиш йўли билан амалга ошириш.

2.3.4. Қарз олувчини кредит беришни рад этиш, кредитни муддатидан олдин ундиришга қаратиш сабаблари тўғрисида ёзма хабардор қилиш.

2.4. Қарз олувчининг мажбуриятлари:

2.4.1. Кредит олингунга қадар кредит қайтарилиши таъминоти сифатида қуйидагиларни амалдаги қонун талабларига мувофиқ ва Банкни қониқтирадиган шаклда расмийлаштириб, тақдим этиш: _____

(таъминот номи ва баҳоси)

2.4.2. Мажбуриятларни бажариш таъминоти сифатида мол-мулк тақдим этилган ҳолда ўз ҳисобидан гаров предмети суғурталаш.

2.4.3. Ушбу Шартноманинг ажралмас қисми бўлган тўловлар жадвали ҳамда Муддатли мажбуриятномага мувофиқ кредит ва унга ҳисобланган фоизларни 20__ йил “__” _____ дан бошлаб ҳар ойда _____ марта сўндириб бориш.
(камида 1 (бир) марта)

2.4.4. Кредитни сўндириш ва фоизларни тўлаш ишларини қуйидаги тарзда амалга ошириш:

- Банк муассасаси кассасига нақд пул топшириш;
- Қарз олувчининг Банкда очилган шахсий депозит ҳисобварағидан маблағ ўтказиш;
- Қарз олувчининг иш ҳақидан нақдсиз ўтказиш;
- қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа усулларда.

2.4.5. Кредитдан фойдаланганлик учун Банкка ҳар ойнинг ____ -кунида муддатли қарз учун йиллик ____% ва муддати ўтган қарздорлик бўйича йиллик ____% ҳисобидан фоизлар тўлаш.

2.4.6. Кредит муносабатлари жараёнида кредит масалалари юзасидан зарур бўлган ҳар қандай ахборотни Банкнинг талабига кўра унга тақдим этиш. Банкка тақдим этилган ахборот ва ҳужжатлар тўғрилиги учун Қарз олувчи жавобгар бўлади.

2.4.7. Турар жойи, иш жойи, фамилияси ёки исми ўзгариши кутилаётгани, шунингдек мазкур шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилишига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган бошқа вазиятлар тўғрисида кўпи билан уч кун ичида Банкка хабар бериш.

2.4.8. Ушбу шартнома амал қиладиган муддат мобайнида Қарз олувчи Банкнинг олдиндан розилигисиз ушбу шартнома бўйича Қарз олувчининг мажбуриятига нисбатан устивор талаб қилиш ҳукукига эга бўлиши мумкин бўлган учинчи томонларнинг кредитлари ёки қарзларини жалб қилмаслиги керак.

2.4.9. Кредитлаш объектига пул маблағлари ўтказилгандан сўнг 15 кун муддат ичида кредитлаш объекти қабул қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни банкка тақдим этиш.

3. Томонларнинг жавобгарлиги

3.1.Томонларнинг ушбу шартномада кўзда тутилган мажбуриятларни бажаришдан бош тортиши ушбу шартнома шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

3.2.Фоишларни белгиланган муддатда тўламаганлиги ва улар бўйича муддати ўтган суммалар вужудга келгани учун Қарз олувчи Банкка кечиктирилган тўловларнинг ҳар бир куни учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошмаган миқдорда пеня тулайди.

3.3.Қарз олувчи томонидан ушбу шартноманинг шартлари бажарилиб, банк кредитни ўз вақтида ажратмаган ҳолатда банк қарз олувчига муддатида тўланмаган кредит суммасининг кечиктирилган ҳар бир куни учун 0,1 фоиз миқдорида, лекин муддатида тўланмаган кредит суммасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4. Шартноманинг амал қилиш шартлари

4.1. Ушбу Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга киради ва Қарз олувчи кредитни ва унинг фоизларини тўлагунча ҳамда томонларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятлари бажарилгунга қадар амал қилади.

4.2. Банк кредит бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар Шартнома томонлардан бирининг ёзма аризасига кўра бекор қилиниши мумкин.

4.3. Мазкур Шартнома бўйича низолар пайдо бўлган ҳолларда томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига амал қилган ҳолда белгиланган тартибда ҳал этилади.

4.4. Ушбу шартномага ўзгартиш ва қўшимчалар ҳар икки томон имзолайдиган қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

4.5. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган иккита бир хил нусхада, ҳар бир томон учун биттадан тузилди.

БАНК:

Ўзмилийбанк _____
_____ бўлими (филиали)

Манзил: _____

СТИР _____

Телефон _____

Бошқарувчи _____

(Ф.И.Ш. ва имзо)

М.Ў.

ҚАРЗ ОЛУВЧИ:

Ф.И.Ш. _____

Манзил: _____

Телефон _____

Паспорти № _____

Ким томонидан ва қачон берилгани

(имзо)